

## ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Бобоёров Марат Очилович**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги  
2-сон Тошкент Академик лицейи*

Ижтимоий ҳодиса ҳисобланган жиноятчилик ҳақидаги ҳозирги билимлар унинг олдини олиш ҳақидаги мавжуд концепцияга бошқача нуқтаи назардан қараш имконини беради. Бунга жиноятчиликка қарши кураш амалиёти ҳам ёрдам беради. З. С. Зарипов, Қ. Мирзажонов, В. Н. Кудрявцев, Г. М. Миньковский, А. Б. Сахаров каби олимларнинг фикрича, жиноятчиликка қарши курашнинг таркибий қисмини жиноятчиликнинг олдини олиш ташкил қилади.

Кураш натижаларининг исботлашича, жиноятчилик уни йўқ қилишга қаратилган ҳар қандай концепцияга ва амалий чораларга қарамай, ҳамisha мавжуд бўлган. Айрим олимлар (Ю. М. Антонян ва бошқалар) унинг абадий қолиши ҳақида фикр билдирадilar. Бунинг ўзига хос асослари мавжуд.

Инсоният ҳаётининг барча даврларида жиноятчиликка «йўл қўймасликка» доимо ҳаракат қилинган, аммо у барқарор қолаверган, ҳозирги кунда у ҳатто «такомиллашмоқда». У ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ ҳолда ўзгармоқда холос, аммо моҳиятини сақлаб қолмоқда. Жиноятчилик жамият қанақа бўлмасин, ундаги мавжуд зиддиятларнинг ҳосиласидир. Ижтимоий зиддиятлар эса ҳар қандай ижтимоий табиатга эга фаолият, бинобарин, жиноятчиликнинг ҳам манбаидир. Жиноятчилик ёки жиноятларнинг батамом олдини олиш мумкинми, деган саволнинг туғилиши табиий. Жамият ниманинг олдини оладию, ниманинг олдини ололмайди Жиноятчиликка қарши курашишнинг ўзи беҳуда эмасми?

«Олдини олиш» тушунчасининг тилдаги маъноси нимагадир йўл қўймасликни билдиради. «Курашмоқ бирор кимса ёки нарсага актив қаршилик кўрсатмоқ, уни енгиш ёки йўқ қилиш учун чора кўрмоқ, ҳаракат қилмоқ, тиришмоқ, олишмоқ» каби маъноларни англатади. Жиноятчиликни эса бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. У фақат жамият билан бирга барҳам топиши мумкин. Шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб айрим муаллифлар уни батамом тугатиш ҳақида эмас, балки жамият ва жиноятчиликнинг мурасага келиши ҳақидаги масалани қўймоқдалар, яъни жиноятчиликнинг олдини олиш деганда, уни муайян даражада, доирада ва шаклларда сақлаб туришни тушуниш кераклигини айтмоқдалар.

Жиноятлар ҳақидаги масала ҳам худди шу тарзда қўйилиши мумкин. Инсоният мавжуд экан, жиноятлар содир этилаверади, чунки ҳар қандай жиноятнинг сабабчиси, аввало, инсоннинг ўзи. Жиноят, ҳар қандай инсоний хатти-ҳаракат сингари, шахс хислатлари ва объектив вазият ўзаро таъсирининг натижасидир. Жиноий ҳаракат юз бериш-бермаслигини инобатга олиш асосида,

жиноятларнинг олдини олиш имконияти даражасининг ортиб (ёки камайиб) боришига қараб, унинг содир этилиши эҳтимоллиги чегарасининг пасайиши (ёки кўтарилиши) ҳақидагина сўз юритиш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Президент таъкидлаганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд органларининг бош вазифаси самарали профилактик ишларни олиб боришдан иборат.

Жиноятчилик ва жиноятларнинг олдини олишни ана шу нуқтаи назардан қараб чиқиш зарур. Бунда жиноятчилик асосан статистик қонуниятларга бўйсунганини инобатга олиш зарур. Бу қонуниятларга фақат жиноятчилик сабабларини аниқлаш орқалигина бир қадар сезиларли таъсир кўрсатиш мумкин. Таъкидланганидек, унинг олдини олиш, умуман мумкин эмас, аммо сабабларига таъсир кўрсатиш мумкин ва зарур. Бинобарин, олдини олиш аслида жиноятчиликни келтириб чиқарувчи салбий ҳодисалар ёки жараёнлар юзага келишининг олдини олишни билдиради. Шунинг учун ҳам жиноятчиликнинг олдини олишнинг минтақавий тизимига хос реал имкониятлар ва хусусиятларни тўғри баҳолаш лозим.

Бундай баҳолаш минтақавий (маҳаллий) жиноятчиликнинг юқори даражадаги, масалан, мамлакат миқёсидаги ҳолатидан келиб чиқишини тушунишга асосланади. Жиноятчиликнинг турли даражалари инсонлар маъмурий-ҳудудий жамоаларининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Шу сабабли минтақавий жиноятчилик кўрсаткичларидаги ўзгаришлар «юқори даражадаги» жиноятчилик кўрсаткичларидаги ўзгаришларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ, аммо бунда маҳаллий омиллар ҳам аҳамиятга эга, албатта. Минтақавий даражадаги жиноятчиликнинг «юзини» кўрсатувчи бу маҳаллий омилларни аниқлаш жуда муҳим. Масалан, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш давлат аҳамиятидаги вазифадир. Бироқ минтақаларда ёшлар орасидаги жиноятлар ўсишининг асосий қисми 14-17 ёшли ўсмирлар, ёхуд 25-29 ёшлардаги йигит-қизларга, ёхуд умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ёки олий таълим муассасаларининг ўқувчилари ҳиссасига тўғри келади. Демак, минтақаларда жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятининг йўналишлари ҳам даражаси, субъекти, шакллари, усуллари ва бошқа асослари бўйича ўзаро фарқ қилади. Бундан ташқари, маҳаллий доирада жиноятчиликни ижтимоий муҳитнинг ўзи амал қилиши натижасида юзага келадиган жиноятчилик (бунда криминологик шароит назарда тутилиши лозим) ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг таъсир кўрсатиш объекти бўлган жиноятчилик (бунда оператив шароит назарда тутилиши керак) турларига шартли равишда бўлиш амалий аҳамиятга эгадир.

Биринчи ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш ижтимоий соҳани ўзгартириш, ундаги криминологик шароитни мураккаблаштириши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф этиш (юмшатиш)дан, иккинчи ҳолда эса - ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимнинг оператив шароитга таъсир кўрсатувчи

зиддиятларини йўқ қилишдан иборат бўлади. Оператив ҳолат доимо криминологик вазиятдан келиб чиқади. Шу боис адлия органларининг жиноятчиликка таъсир кўрсатиши чекланган доирада бўлади. Шунга қарамай, жиноятчиликни бу тарзда шартли равишда бўлиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан ички ишлар органлари жиноятчиликнинг олдини олишда амалга оширадиган фаолиятнинг имкониятларини тўғри баҳолашга ёрдам беради. Минтақавий жиноятчиликнинг ҳолати ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг тегишли даражасини белгилаб беради. Бунда айтилган бир даражадаги таъсир объекти ва субъектининг мувофиқлигини аниқлаш ниҳоятда муҳим.

Бизнингча, минтақадаги жиноятчиликнинг олдини олиш ишлари аввал криминологик вазиятни баҳолашдан, хусусан, аҳолининг ҳаёт даражасини ўрганишдан бошланиши, кейин эса жиноятчиликни тадқиқ этишга ўтилиши керак. Инсонларнинг ҳаёт даражаси барча ижтимоий зиддиятларни ўзида акс эттиради. Бу борада диққат айнан ана шу муносабатларга қаратилиши керак. Ҳаётнинг даражаси ва жиноятчилик ўртасидаги алоқага нафақат мамлакатимиз криминологлари, балки ажнабий олимлар ҳам эътибор қаратганлар. Ҳаёт даражасининг кўрсаткичлари одамлар ижтимоий ҳаётининг ўзига хос индикаторлари вазифасини бажаради. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин: аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад; асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси; уй-жой, саноат моллари, жумладан узоқ вақт фойдаланиладиган товарлар билан таъминланганлик даражаси; тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи; аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш ва унинг маданий эҳтиёжлари даражаси. Бу рўйхат ҳали тугамайди. У тўлдирилиши ва ўзгартирилиши мумкин, аммо бу ҳудуд аҳолиси эҳтиёжларининг қаноатлантириш даражасини акс эттириши керак. Ҳудуддаги криминологик вазиятни баҳолашда бошқа (демографик, психологик, жуғрофий, тарихий каби) жиҳатлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Криминологик вазиятда жиноятчилик ривожининг асосий тамойилларини аниқлаб олиш муҳим. Бунда жиноятчиликнинг жамият учун хавфлилик, ҳудудлар ва жамиятнинг гуруҳлари бўйича тарқалганлик даражаси, мотивларининг йўналишлари, барқарорлиги ва уюшганлиги каби кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин. Ижтимоий муҳит муайян кўрсаткичларининг (масалан, аҳоли ҳаёт даражасининг) ўзгариши жиноятчиликнинг (чунончи, қасддан содир этиладиган жиноятчиликнинг) кўрсаткичларида муайян ўзгаришлар келтириб чиқариши аниқланган. Бу эса ижтимоий муҳит ва жиноятчиликнинг криминологик шароитдаги тегишли (кулай шароитдан тортиб ҳалокатли вазиятгача бўлган) ҳолатини ифодаловчи криминологик кўрсаткичларнинг минимал рўйхатини аниқлашнинг заруратини туғдиради. Криминологик вазиятни билиш оператив вазиятни, яъни жиноятчиликнинг одамларнинг кундалик ҳаётига, жамиятдаги барча

институтларнинг нормал фаолият кўрсатишига, бошқа томондан эса, бу институтлар, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимнинг таъсирини тўғри баҳолашга имконият яратади.

#### **Фойдаланган адабиётлар:**

1. З. Зарипов. Қ. Мирзажанов. Якка тартибдаги ҳуқуқбузарлик профилактикаси муаммолари 2019й.
2. Пўлатов. Ю. С, З. Зарипов. Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чора тадбирларини такомиллаштириш 2019й.